
МУДДАТИДАН ОЛДИН ПЕНСИЯГА ЧИҚИШ

САВОЛ: Мен 53 ёшдаман. Пенсияга чиқишимга икки йил қолганда ҳозиргача ишлаб келаётган жойимдан мени штатимга қисқартириш келганлиги сабабли ишсиз қолдим. 23 йиллик стажга эгаман. Мен шу ҳолатда муддатдан олдин пенсияга чиқишим мумкинми?

ЖАВОБ: Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонуннинг 14-моддасига кўра Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва ишсиз деб эътироф этилган шахслар:

эркаклар - 58 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда;

аёллар - 53 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар деб белгиланган.

Демак сиз ҳозирда пенсияга чиқишингиз учун меҳнат биржасига мурожаат қиласиз ва у ерда ишсиз деб рўйхатга олинганингиздан кейин пенсия ёшига етмасдан ҳам пенсияга чиқишингиз мумкин бўлади. Агар меҳнат биржаси сизга мақбул келадиган иш топиб берса яна икки йил ишлаб кейин чиқишингиз ҳам мумкин.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Ўзбекистон туман бўлими
2022-08-16 08:42:00